Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 208 (20. 475) • 1989 йил 9 сентябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ҲОСИЛ·89

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ПАХТА ШТАБИ

Телефонлар:
33-76-04
32-53-15
32-53-20
32-53-79

КОСМОНАВТЛАР «МИР» КОМПЛЕКСИ ИЧИДА ИШЛАЙ БОШЛАДИЛАР

ТАСС АХБОРОТИ

1989 йил 8 сентябрь куни Москва вақти билан соат 2 дан 25 минут ўтганда «Союз-ТМ—8» космик кемаси орбитадаги «Мир» комплекси билан туташтирилди. Туташтириш узелининг зич ёпилганлиги текшириб кўрилгач, Александр Викторенко билан Александр Серебров станция ичига ўтдилар.

«Мир» комплекси Ер атрофидаги орбитада уч ярим йилдан кўпроқ вақтдан буён, шундан 880 кун одам бошқарадиган режимда учиб юрибди. Шу вақтда унинг ичида узоқ давом этган тўртта экспедиция ҳамда Сурия, Болгария, Афғонистон ва Франция космонавтлари иштирокида тўртта халқаро экипаж ишлади.

Александр Викторенко билан Александр Серебров станция асбоб-ускуналарини яна ишга соладилар ва «Прогресс-М» автомат кемаси ичидаги юкларни тушириб оладилар. Космонавтлар астрофизика, ернинг табиий ресурсларини ўрганиш, космик биология, медицина ва технология соҳасидаги аввалги экипажлар бошлаган тадқиқотлар ва экспериментлар программасини давом эттирадилар.

Бундан буёнги программада янги илмий аппаратлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда илм-фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлидаги тадқиқотларнинг самарадорлигини анча оширадиган иккита ихтисослаштирилган модулни «Мир» комплекси билан туташтириш кўзда тутилмоқда.

Телеметрия ахборотининг маълумотларига қараганда, одам бошқараётган комплекс ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Александр Викторенко билан Александр Серебров ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОН ТЕХНИКАГА ТАЯНАДИ

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бепоён далаларимизда мўл пахта ҳосили етиштирилмоқда. Айни кунларда йиғим-теримга тайёргарликни кучайтириш билан бирга ривожланишдан орқада қолган ғўзаларда ҳам ҳосил нишоналари кўпайишига эришайлик.

● Пахта ҳосили табиий офатлар туфайли одатдагидан анча кеч етиляпти. Шу сабабли ғўза баргини сунъий тўктириш ҳам анча кечикиши табиий. Мана шунинг учун ҳам дефолицияга пухта ҳозирлик кўриш муҳим ишдир. Бу ишда шошма-шошарликка, хатоларга йўл қўйиб бўлмайди. Муҳим агротехник тадбирни сифатли ўтказган хўжаликлар вақтдан ҳам, ҳосилдан ҳам ютади.

● Ушбу кузда ҳосил тақдирини машина-механизмлар ҳал қилади. Пахтазорларни бегона ўтлардан тозалаш, хирмонжойларни ва тош-торозиларни тахт қилиб қўйиш шу куннинг долзарб вазифаси. Техника воситаларини мавсумга пухта созлайлик. Шундагина йил бўйи пешона тери эвазига етиштирган пахтамизнинг бир мисқоли ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

● Бугунги кунда шу нарса ташвиш туғдирмоқдаки, ҳали республикамиз бўйича 1800 «зангори кема» мавсумга тахт эмас. Эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Қишлоқ меҳнаткашларига зарур эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб бериш саноат корхоналарининг муқаддас бурчидир.

Терим мавсуми пахтакорлар қатори шаҳарликларни ҳам ўзига чорламоқда. Бу ишда «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Коллектив дала гвардиячиларига ўз маҳсулотларини жўнатмоқда. Суратда: УПХ—1,5 «В» маркали чанг тозалагичларни жўнатиш пайти.

М. Нуриддинов сурати.

Ҳадемай пахтазорда йиғим-терим ишлари қизғин авж олади. Табиат ҳеч қачон деҳқонни эркалатиб қўймаган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Пахтакор об-ҳавонинг ҳар қандай инжиқликларига қарамай мўл ҳосил етиштирди. Эндиликда бутун куч ва имкониятларни ана шу меҳнат маҳсулини тез ва соз йиғиштириб олишга сафарбар этиш даркор. Маълумотларга қараганда сентябрь ойининг охирларидаёқ ёғин-сочинли кунлар бошланиши мумкин. Бундай вазиятда тадбиркор деҳқон ҳар доимгидек техникага таянади.

Хўш, хўжаликлардаги пахта териш агрегатлари ва бошқа техникалар мавсумга шайми, авжи қизғин паллада панд бериб қўймайдими?» «Совет Ўзбекистони» пахта штаби бу борадаги вазиятни аниқлаш мақсадида областлар бўйича йўқлама ўтказди. Қуйида ана шу йўқлама материаллари билан танишасиз.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ПАХТА ШТАБИ ЙЎҚЛАМАСИ

• ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР •

ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ

Областда бу йил пахта ҳосилининг 73 фоизи машиналар билан териб олиниши керак. Шу боисдан ҳам колхоз-совхозларда техника кучидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Дефолицияни сифатли ўтказиш мақсадида жойларда майдонлар ўтдан тозаланмоқда, трактор буриладиган дала четлари ва ўқариқлар тартибга келтирилаётир. Ғўза баргини тўктиришда ишлатиладиган дефолиантлар марказлаштирилган махсус жойларга келтириб қўйилди. Масалан, Чиноз районидаги Навоий номли колхозда пахтаси машинада териладиган майдонлар сифат комиссияси томонидан текшириб қабул қилина бошланди. 20 сентябрдан ғўза дефолицияси ниҳоясига етказилади. Янгийўл, Чиноз, Ғалаба районларида бу юмушлар суст бормоқда. Ғалаба районида жами 46 та подборшикдан атиги 13 тасигина ремонт қилинди. Ёки топшириқ нисбатан иш 28,2 фоиз уддаланди, холос. Бўка, Оққўрғон, Пискент районлари кўрак теradиган машиналар ремонтида оқсашмоқда. Область бўйича мавжуд 954 та ОВХ тракторининг ҳаммаси созланиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди. Шу йил 1 сентябрга қадар 18 минг 733 тракторнинг қарийб 18 мингтаси ремонтдан чиқарилди. Бекобод, Коммунистик, Чиноз районларида бу тадбир ниҳоясига етай деб қолди. Оққўрғон, Ғалаба, Янгийўлдан ташқари барча районларда пахта териш машиналари ремонти тугалланди. Бу тадбир ҳали ниҳоясига етказилмаган хўжаликларда эса ҳар йилдагидек эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ишнинг белига теппмоқда. Айниқса, аккумулятор масаласида хўжалик раҳбарлари кўп сарсон бўлишмоқда.

Маълумки, бу йилги ғўза парвариши ўтган йилга нисбатан 15—20 кун орқада. Бунга кўкламдаги совуқ сабаб бўлганини ҳам биламиз. Кўпгина хўжаликларда эндиликдаги вазифа вақтдан ютиш, деб ҳисоблаб вазиятга оқилона баҳо беришмоқда. Йиғим-теримгача барча техника воситаларини бекамикўст созлаб қўйиш худди шундай тадбирлар сирасига киради. Областдаги 628 та пахта ортиш машинасидан 558 таси сифатли ремонт қилиб бўлинди. Коммунистик райони созловчилари биринчи бўлиб бу тадбирни ниҳоясига етказдилар. Янгийўл, Чиноз, Ғалаба районларида бу юмушлар суст бормоқда. Ғалаба районида жами 46 та подборшикдан атиги 13 тасигина ремонт қилинди. Ёки топшириқ нисбатан иш 28,2 фоиз уддаланди, холос. Бўка, Оққўрғон, Пискент районлари кўрак теradиган машиналар ремонтида оқсашмоқда. Область бўйича мавжуд 954 та ОВХ тракторининг ҳаммаси созланиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди. Шу йил 1 сентябрга қадар 18 минг 733 тракторнинг қарийб 18 мингтаси ремонтдан чиқарилди. Бекобод, Коммунистик, Чиноз районларида бу тадбир ниҳоясига етай деб қолди. Оққўрғон, Ғалаба, Янгийўлдан ташқари барча районларда пахта териш машиналари ремонти тугалланди. Бу тадбир ҳали ниҳоясига етказилмаган хўжаликларда эса ҳар йилдагидек эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ишнинг белига теппмоқда. Айниқса, аккумулятор масаласида хўжалик раҳбарлари кўп сарсон бўлишмоқда.

Областда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари якунловчи босқичга кирди. Уни муваффақиятли тугаллаш эса техника ремонтида қатнашаётган созловчилар, механизаторларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришни тақозо этади.

А. МАННОПОВ.
Тошкент.

ҚЎЛДАМИ, МАШИНАДАМИ?

Ушбу саволни сарлавҳага олиб чиқишимиз анча кулгили туюлиши мумкин. Чунки республикамизда асосий эътибор ҳосилни машиналарда териб олишга қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамасдан кейинги ойларда Самарқанд области хўжаликлари раҳбарлари ўртасида пахтани қўлда териб олсакмикин деган фикрлар пайдо бўлди?

— Бу йил областда 174 минг гектар ерга чигит экилган, — дейди область агросаноат комитети раисининг ўринбосари С. Қўлдошев. — Шунинг 125 минг гектари машина теримига ажратилган. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 475 минг тонна пахтанинг 261 минг тоннаси «пўлат этак»лардан тўкилиши керак. Статистика бошқармасининг шу йил 1 сентябргача бўлган маълумоти бўйича областда 96 фоиз техника теримга шай қилиб қўйилган. Фақат битта муаммо кўпчиликни қийнаб турибди. Ҳозир областга 200 мингта шиндел керак. Қаерга борсак, механизаторлар шу хусусда сўз очишади. 1989 йилдаги фондимиз эса 80 мингтадир. Республика ташкилотлари бу борада ёрдам беришлари керак.

Областда биринчилардан бўлиб пахта териш, кўрак териш ва чувиш машиналарини Пахтачи, Оқдарё, Пастдарғом, Жомбой, Каттақўрғон районлари механизаторлари тайёрлаб қўйишди. Аммо пахтани машинада теришга ҳозирлик Иштихон районида суст. Нега бундай эканлигини район ремонт корхонаси бош инженери В. С. Михайлов қуйидагича шарҳлади:

— Районда техника тайёр деб маълумот берилган эди. Лекин халқ назоратчилари текшириб чиқиб, бу маълумотни бекор қилишди. Пайариқ район техника ремонти корхонаси созлаб берган 270 та машинанинг ярмидан нуқсонлар топилди. Ҳозир қайта созлаш ишлари кетмоқда. «Янгикент» совхози, «Правда» Ленин номли колхозларда аҳвол тузук. Бироқ Ильич номли, Энгельс номли хўжаликларда судралиш сезилмоқда.

Хўш, Самарқандда бу йил машина теримига зўр беришадими ёки ҳашарчига умид боғланадими?

— Асосий эътибор машина теримига қаратилади, — деди область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудири А. Муҳиддинов. — 6 сентябрь куни область партия комитетида пахта йиғим-теримига даҳлдор барча раҳбарлар ва мутахассислар иштирокида кенгаш ўтказилди. Шу кенгашда узил-кесил хулоса яна бир марта айтилди: ҳосил асосан техника ёрдамида терилади. Бу ахир ҳам иқтисодий, ҳам социал, ҳам маффкуравий масала. Шундай экан, иккиланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ж. МАМАТОВ.
Самарқанд.

МАВСУМ СИНОВИ

Ромитан райони механизаторлари бу йил 46 минг тонна ҳосилдан камида 31 минг тоннасини техника ёрдамида йиғиштириб олиш бўйича ташаббус билан чиқишди. Шу муносабат билан районда бўшаб қоладиган меҳнат ресурсларини янги деҳқон хўжаликлари ташкил этишга сафарбар этиш ва районнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳиссасини кескин ошириш кўзда тутилмоқда. Айни маҳалда район хўжаликларида ҳар бири 5 звенодан иборат бўлган 24 йиғим транспорт отряди тузилди. Механизаторлар терим техникасини ремонтчилардан қабул қилиб синовдан ўтказгач, старт чизиғига чиқардилар.

Область партия комитети ромитанлик механизаторларнинг ташаббусини оммалаштирмоқда. Қорақўл, Когон, Пешку, Свердлов районлари хўжаликлари бу ташаббусга қўшилиб, йиғим-теримда асосан техника кучига таяниш бўйича таъсирчан тадбирларни кўришди. Мазкур районларда бутун техника старт чизиғига чиқарилган.

Областда 1 сентябрга келиб мавжуд техниканинг 95 процента ремонт қилиб тугатилди. Сурҳатни таъмин этмаётган Бухоро, Навоий, Шофиркон районларининг хўжаликлари бўлишяпти. Мазкур районларда техника ремонтига кеч киришилганлиги эндиликда шошма-шошарликка олиб келиб, мавсум даврида панд бериши шубҳасиздир.

Чунончи, область агросаноат комитети техника назоратчилари яқинда Бухоро районидаги «Партия XXVII съезди» колхозида бўлганларида ташвишли вазиятнинг устидан чиқиб қолишди. Бу ерда бош инженер Ҳ. Ҳамроев масъулиятни сусайтирганлиги оқибатида терим агрегатлари деярли ярмининг вентиляторлари ремонт қилинмаган. Машиналар ишга созланмаган. Иккита агрегат ремонтига эса эндигина киришиляпти. Шофиркон районидаги «Шофиркон», Свердлов районидаги Ҳамза номли колхозларда ҳам аҳвол ташвиш туғдиради.

Область механизаторлари техникани мавсумга ҳозирлашда эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги оқибатида қийинчиликларга дуч келишди. Жумладан, «Ташсельмаш» заводи терим машиналари учун ,оддий шпинделлар ўрнига спирал симонини кеткиз берган ишга тўғаноқ бўлди. Ҳайриятки, Янгиер районида ташкил қилинган «Пахта» кооперативи аъзолари бор экан. Улар етказиб берган таъмирланган деталлар ремонтчиларнинг кўнглига оро кирди.

Бу йилги мавсум бухоролик механизаторларни қаттиқ синовдан ўтказади. Ҳавонинг барвақт салқинлаб қолиши йиғим-теримни айниқса қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ўтказишни тақозо этмоқда. Механизаторлар барча синовларга тайёр бўлишлари лозим.

Н. НАИМОВ.
Бухоро.

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Индонезия республикаси Президенти Сухартонинг рафиқаси билан бирга Совет Иттифоқига расмий ташрифи давом этмоқда. У СССР Олий Совети Президиумининг таклифига мувофиқ мамлакатимизга келган.

Президент 8 сентябрь куни Самарқандга борди. Самарқанд яқинидаги машҳур Исмоил ал-Бухорий мачитига бориб, уни мусулмонлар анъаналарига мувофиқ тафов қилди.

Бу ерда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раисининг ўринбосари Юсуфхон Шокиров, мачит имоми Усмон Раҳимжонов, бошқа руҳонийлар билан суҳбат бўлди. Меҳмонга мусулмон жамоаларининг ҳаёти ҳақида сўзлаб берилди. Барча совет кишилари каби диндорлар ҳам қайта қуриш жараёнларида, тинчлик учун кураш ҳаракатида, халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этаётганликлари ҳақида гапирилди.

Сухарто турли мамлакатлардаги диндорлар ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб, халқларнинг бир-бирларини яхшироқ тушуниб етишларига ва бир-бирига яқинлашишларига ҳисса қўшмоқдалар, деди.

Мачит кутубхонасида президентга турли даврларда турли мамлакатларда нашр қилинган қўръонлар коллекцияси кўрсатилди. Уларнинг орасида Индонезияда нашр қилинган қўръон ҳам бор.

Сухарто мачитга келганидан чуқур мамнуният изҳор қилиб меҳмондўстлик ва суҳбат учун миннатдорчилик билдирди, фахрли меҳмонлар китобига имзо чекди.

Меҳмон шарафига халқ депутатлари Самарқанд область Советининг ижроия комитети номидан нонушта зиёфат берилди.

Шу куни меҳмон Тошкентга қайтиб келди.

Президент Сухартога Самарқанд сафарида СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Суратда: Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти. В. Созинов ва Ф. Қурбонбоев сурати (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ФАРҒОНА, 8 сентябрь. (ЎзТАГ). Фарғона область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум Ўзбекистон ССР халқ таълими министрининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган М. Қ. Қорабоевни область партия комитети бюросининг аъзоси ва обком секретари этиб сайлади.

Пленум қатнашчилари область партия комитети туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва социал соҳани устун ривожлантиришни таъминлаш комиссиясининг ҳисоботини, шунингдек партия группалари ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши тўғрисидаги ахборотни тингладилар. Пленумда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев нутқ сўзлади.

• *Ягона сиёсий кун*

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

«Интизом ва уюшқоқлик — қайта қуришни муваффақиятли амалга ошириш гаровидир». Бу 8 сентябрда Ўзбекистоннинг ҳамма областларида бўлиб ўтган Ягона сиёсий кунниг мавзусидир. Партия ва совет ходимлари, хўжалик раҳбарлари саноат корхоналарининг, колхозлар ва совхозларнинг меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқиб мазкур район, шаҳар хўжалик меҳнатчиларини ҳаяжонга солаётган масалаларни ўртага қўйдилар.

Ишлаб чиқаришда меҳнат интизоми ва уюшқоқликнинг бўшашганлиги қайта қуришни муваффақиятли олиб боришга тўсқинлик қилаётган асосий сабабларидан бири, деб айтилди. Учрашувда иш вақтининг беҳуда ўтишига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида гапирилди. Ҳозирги пайтда интизом тушунчаси сифатни яхшилашни, ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланишни, исрофгарчиликка қарши, хом ашё ва материалларни тежаш учун курашни ўз ичига олиши таъкидланди.

Сиёсий кунда агросаноат комплексини йиғим-терим мавсумига сифатли тайёргарлига алоҳида эътибор берилди.

Сўзга чиққан кишилар ҳозирги пайтда ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир совет кишиси қайта қуришнинг муваффақияти ўз қўлида эканлигини, бу муваффақият кўп жиҳатдан уюшқоқлик ва интизомга боғлиқлигини тушуниб олиши зарурлигини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

ПАХТАКОРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАСИЗ?

БУ САВОЛГА РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИ С. М. БАҲРОМОВ ЖАВОБ БЕРАДИ:

— Ҳозирги пайтда республикамиз қишлоқларида 6366 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 1015 та врачлик амбулаторияси, 418 та участка касалхонаси, 178 та район марказий шифохонаси, 155 та «Тез ёрдам» станцияси ва бўлинмаси, 109 та ихтисослаштирилган диспансер фаолият кўрсатмоқда.

Пахта йиғим-терими мавсуми бошланаётган бугунги кунда дала меҳнаткашларининг соғлиғини муҳофаза қилиш, уларга оператив тиббий хизмат кўрсатиш учун ушбу медицина муассасалари қуввати етадими? Йўқ етмайди. Аниқроғи, тўла қувват билан ишлаш учун шуларнинг ўзигина кам. Мавсум хизмати алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Бу борада бизнинг тажрибамиз бор.

Ҳозир қишлоқ шифохоналари область ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари, медицина ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари ҳисобига қайтадан комплектация қилинмоқда. 80—100 кишига хизмат кўрсатадиган қўшимча тиббий пунктлар ташкил қилинади. Ана шу мақсадда Тошкент медицина ва Самарқанд педиатрия институтлари битирувчиларидан иборат 1200 ёш врач Сирдарё областига жўнатилади. Мазкур институтлар профессор-ўқитувчиларидан 5 хил мутахассисликдан иборат (жарроҳ, терапевт, акушер-гинеколог, юқумли касалликлар ва тиш доктори) консультатив бригадалар тузилади. Республика ва область санитария авиацияси бўйича чиқадиган консультатив группалар ҳам аниқланган. Унда ҳам шаҳар, область ва республикадаги етакчи мутахассислар жамланган.

Шунингдек, қишлоқ участка касалхоналарида ҳам ана шундай группалар ташкил қилинади. «Фармация» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар бир дала шийпони учун 10 тадан универсал аптечкалар тайёрламоқда. Медицина жиҳозлари ва санитария-гигиена асбоб-ускуналарини тарқатиш учун 155 та кўчма автолавкалар сафарбар этилади. «Медтехника» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси ҳам буюртмалар асосида зарур қўшимча аппаратуралар ажратади.

«Здоровье» республика маркази регионал хусусиятлари ва мавсум спецификасини ҳисобга олиб шу даврда юқумли касалликлар, заҳарланиш ва жароҳатланиш ҳамда уларга биринчи ёрдам кўрсатиш профилактикаси бўйича қўлланма ва рисолалар чоп этади. Пахтакорларнинг медицина-санитария таъминоти билан боғлиқ барча ишларни марказлаштириш учун республика ва ҚҚАССР Соғлиқни сақлаш министрликлари, область соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳузурида штаблар ташкил қилинган. Мавсум қатнашчиларининг сиҳатсаломатлиги масалалари ҳар куни шу штабларда муҳокама қилинади.

• *Партия турмуши: тажриба манзиллари*

БЕБАҲО БОЙЛИК

РАЙКОМ ПЛЕНУМИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Эл соғлиғи — юрт бойлиги. Эли соғ-омон бўлган юрт гуллаб-яшнайди. Бироқ халқ манфаати йўлида жамиятни янгилаш, тубдан қайта қуриш авж олган бир паллада медицина хизматидан шикоятлар ҳамон камаймаяпти. Нега медицинамиз шундай аҳволга тушди? Нима учун кўпгина шифокорларимизнинг савияси паст? Улар орасида таъмагирлар, бағритошлар қандай пайдо бўлди? Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумидан сўнг ана шу саволларга қисман бўлса-да, жавоб топгандек бўлдик.

Район партия комитети кейинги пайтда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш аҳволини яхшилашга эътиборни кучайтирди. Ўтган йил кузида шу масалага доир район партия-хўжалик активининг йиғилиши ўтказилиб, йиғилиб қолган камчилик ва муаммолар, аҳволни яхшилашда бошланғич партия ташкилотларининг роли тўғрисида жиддий гаплашиб олинди. Район партия комитети бюроларида, райижроком мажлисларида соғлиқни сақлаш муассасалари партия ташкилотлари ишидаги камчиликлар очиб ташланди, поликлиникалар, шифохоналар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Шу йил бошида ҳам райондаги 14-катталар ва 18-болалар поликлиникалари партия ташкилотларининг ҳисоботлари райком бюросида эшитилиб, улар фаолияти юзасидан муайян чора-тадбирлар белгиланди.

Кейинги икки йилда даволаш-профилактика муассасаларини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағлар қарийб юз фоиз ўзлаштирилди. 200 ўринли туғуруқхона қурилди, ҳар сменада 650 кишига хизмат кўрсатадиган иккита янги поликлиника очилди. 39-поликлиника ва 22-поликлиниканинг филиали ишга туширилди.

Шу тариқа районда соғлиқни сақлаш соҳасига эътиборнинг бир қадар кучайгани, район пойтахтда аҳолиси энг кўп ва зич яшайдиган марказий аёлларидан бири эканлиги ҳисобга олиниб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ бу ерда 1989 йил 1 январдан бошлаб район соғлиқни сақлаш бўлими ўрнига эксперимент тариқасида даволаш-профилактика бирлашмаси ташкил этилди. Бошданоқ шуни таъкидлаш керакки, ҳозир мамлакатимизда фақат Москва, Ленинград, Киев ва Кемерово шаҳарларидагина эксперимент тарзида ана шундай даволаш-профилактика бирлашмалари ишлаб турибди.

Кўзланган мақсад эзгу — амбулатория-поликлиника муассасалари ва шифохоналар ўртасида принципиал жиҳатдан ўзаро янгича муносабатлар ва алоқалар ўрнатиш, медицина ёрдамининг барча босқичларида асосан профилактик йўналиш ва самарадорликни ошириш, район шифокорларининг коллектив кучғайратларини бирлаштиришдан иборат. Шу боисдан ҳам эксперимент тақдири район партия комитетини бефарқ қолдирмади. Даволаш-профилактика бирлашмасининг дастлабки фаолияти райком пленумида кўриладиган бўлди. Район даволаш-профилактика бирлашмаси бош врачи, райком аъзоси Қ. Ризаевнинг ҳисоботи пленум кун тартибига асосий масала қилиб киритилди.

Райком мазкур пленумга олдиндан тайёргарлик кўрди. Райондаги бир неча соғлиқни сақлаш муассасалари аҳволи 15 кун олдин фильмга олиниб, пленум бошланишидан беш кун олдин райком аъзолари, активлар, пленумнинг бўлажак барча қатнашчиларига намойиш этилди. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деб бежиз айтилмаган. Шу боис ҳам мазкур 10 минутли ҳужжатли ведеофильм кўрилганидан сўнг райком аъзолари 6 та ишчи группага бўлиниб, райондаги 6 та соғлиқни сақлаш муассасаси иши билан комплекс танишдилар ва пленумга ўз хулосалари, таклиф ва мулоҳазалари билан келдилар.

— Гарчи муайян силжишлар рўй берган бўлса-да, районда соғлиқни сақлашнинг аҳволи ҳамон ночорлигича қолмоқда, — деди докладчи Қ. Ризаев. — Даволаш-профилактика муассасаларидан 70 процентининг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди. Улар мослаштирилган биноларда жойлашган бўлиб, айримларида энг оддий шароитлар ҳам йўқ. 18-, 22-поликлиникалар, аёллар консультацияси бўлими ва филиаллари, «Узбекистон 15 йиллиги» болалар санаторийси, 1-болалар бирлашган касалхонаси, 2-, 4-болалар юқумли касалликлар шифохоналаридаги шароитларга тоқат қилиб бўлмайди. Масалан, 55 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган 22-поликлиника аҳоли истиқомат қиладиган уйнинг иккинчи қаватида, 6-болалар бирлашган шифохонасининг поликлиника бўлими эса музика мактаби [!] билан бир бинода жойлашган.

Райком аъзоларидан иборат ишчи группа 18-поликлиникада бўлишганда улар, жумладан, райижроком раиси ҳам бу ерда канализация йўқлигини, болаларга қандай ачинарли шароитларда медицина ёрдами кўрсатилаётгани ҳамда шифокорлар қандай оғир шароитда ишлашаётганини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилишди. Ана шундай оғир аҳволга қарамай, 1989 йилда маҳаллий бюджетдан соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал ремонт қилишга атиги 546,8 минг сўм, яъни ҳар бир даволаш муассасаси учун ўрта ҳисобда 13,5 минг сўмдан маблағ ажратилган. Ваҳолонки, райондаги даволаш-профилактика муассасаларини зудлик билан капитал ремонтдан чиқариш учун 958 минг сўмлик маблағ зарур. Район партия ташкилоти, маҳаллий Советлар ва ижроия комитет йиллар давомида Тошкентнинг аҳоли энг зич яшайдиган районида соғлиқни сақлаш аҳволини тубдан ўзгартириш борасида фаоллик кўрсатмаганлар...

Дарҳақиқат, турғунлик йилларида фақат Октябрь районидаёки Тошкентда эмас, балки бутун республикамизда медицина соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ажабланарли жиҳати шундаки, соғлиқни сақлашга поликлиникаларга қанча одам келаётганига, шифохоналарда қанча ўрин борлигига қараб маблағ ажратилди. Оқибатда худди милиция органлари жиноятлар миқдорини камайтириб кўрсатишдан манфаатдор бўлганлари каби соғлиқни сақлаш органлари ҳам медицина муассасаларига кўпроқ одам келишидан манфаатдор бўлиб қолдилар.

— Узоқ йиллар мобайнида биз юқори бошқарув аппаратларидан келаётган буйруқ ва кўрсатмаларни сўзсиз ижро этувчи муте ходимлар бўлиб келдик, — деди пленумда доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан 35-поликлиника бош ҳамшираси Ю. Абдуллаева. — Бу соғлиқни сақлаш ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Рақамлар, ҳисоботлар ортида одамлар соғлиғи — жамиятнинг соғлиғи унутилди. Районимиз ҳам бундан мустасно эмас... Ҳозирги кунда ҳамширага эътибор, ҳурмат йўқ. Шунинг учун ҳам у ўз вазифасига совуққонлик билан қарайди, қўполлик қилади ва ҳатто врачлардан камчилик ахтаради. Шу боисдан бугунги кунда ўрта бўғин ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларнинг савиясини ошириш ғоят муҳимдир. Поликлиникамизда, даволаш-профилактика бирлашмамизда ташкил этилган ҳамширалар кенгаши ўзаро тажриба алмашишда, ҳамшираларни беморларга меҳрибон бўлиш, уларга тўғри муомала қилишга ўргатишда ёрдам беряпти. Ҳамшира энг яхши маънавий, инсоний, ишчанлик хислатларига эгами! У ўз ишини севадими! Бу бизнинг ишимизда энг муҳими. Ҳамширанинг обрўсини тиклаш керак! Бунинг учун эса медицина ходимларининг меҳнат, дам олиш ва соғламлиги шароитларини яхшилаш лозим. Бизнинг ўз дам олиш зонамиз йўқ. Болаларимизни боғчаларга жойлаштириш муаммо, улар пионер лагерларига ҳам боролмайдилар. Бу йил 220 нафар медицина ходимимизнинг мактабда ўқийдиган 400 дан зиёд фарзандлари учун атиги 2 та йўлланма ажратилди. Оталиқ ташкилотларимиз шу жиҳатларга ҳам кўпроқ эътибор бериши лозим. Бизнинг ишимизга рағбат бўлади.

Октябрь районида 1000 га яқин врач, 2400 нафар ҳамшира, 2 мингдан зиёд медицина кичик ходими ҳамда маъмурий-хўжалик ходимлари ишлайди. Бироқ, врачлардан атиги 110 нафари, ҳамширалардан фақат 268 нафари малака категориясига эга, холос. Шунга қарамай, уларнинг малакасини ошириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

— Шифокор ҳамиша ўз устида ишлаши, ўқиши, ўрганиши керак. Шундагина у чинакам шифокор бўла олади, — деди музокарада сўзга чиққан райком аъзоси, Сил касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори А. Убайдуллаев. — Янги даволаш-профилактика бирлашмаси планида кадрлар масаласи яхши ҳисобга олинмаган. Шу боисдан мен бирлашма ҳузурида врачлар малакасини ошириш кечки университети ташкил этишни таклиф қиламан. Шунингдек, диагностика ишларини яхшилаш мақсадида 1-шаҳар клиник касалхонаси қошида консультатив поликлиника ташкил этиш керак, деб ҳисоблайман.

Шуни айтиш керакки, пленумда докладчи, Қ. Ризаев ҳам, унинг ҳисоботи юзасидан музокарада қатнашган бошқа нотиқлар ҳам амалий фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар билдиришди. Масалан, Қ. Ризаев райондаги 90 га яқин йирик корхона, ташкилот ва министрликлар оталиқ ёрдами кўрсатиш билан эмас, балки қатъий, муайян бир миқдорда белгиланган маблағ билан мунтазам равишда ҳисса қўйиш орқали соғлиқни сақлашнинг моддий базасини мустаҳкамлаб боришдан манфаатдор эканликларини исботлаб берди. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш муассасаларини ремонт қилиш, уларга зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олишда амалий ёрдам кўрсатиш учун банкда махсус ҳисоб очишни таклиф этди. Бу таклифни «Таштрансспецстрой» трести бошқарувчиси Р. Асриев биринчи бўлиб маъқуллаб, ташаббус кўрсатди. У банкда очиладиган шундай махсус ҳисобга трест 40 минг сўм ўтказишини айтди. Бу конкрет амалий жавоб бўлди.

Райком аъзоси, раҳбар коммунистнинг ҳисоботи юзасидан музокара ана шундай қизғин ўтди.

БИРЛАШМА НИМА БЕРДИ?

Райондаги соғлиқни сақлашда юз берган аҳволни тузатиш учун у нималар қилмоқда? Биринчидан, даволаш-профилактика бирлашмаси ташкил этилиши билан соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий базаси яхшилана бошлади. Чунки бирлашма иқтисодий жиҳатдан мустақил. Ана шу бир неча ой ичида қарийб 250 минг сўмлик зарур асбоб-ускуналар сотиб олинди. Деярли барча муассасаларда капитал ремонт ишлари олиб борилмоқда. Маблағларнинг асосий қисми болалар муассасаларига ажратиляпти. Масалан, 7-болалар сил касалликлари санаторийсига бундан 6—7 ой муқаддам, очиғини айтганда, кириб ҳам бўлмасди. 35 йил мобайнида бирор марта ҳам капитал ремонт қилинмаган бу санаторийда йил бошидан буён қарийб 200 минг сўмлик ремонт-тиклаш ишлари амалга оширилди. Муассаса таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шунингдек, 2-болалар юқумли касалликлар шифохонаси, 14-, 21- ва 39-поликлиникаларда ҳам ўзгаришлар сезиларли.

Иккинчидан, барча даволаш муассасаларининг фаолияти, қониқарсиз ишлаш сабаблари ўрганиб чиқилиб, таҳлил этилди. Бунинг учун аввало халқ билан маслаҳатлашилди. Зеро, бирлашма райондаги 260 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Шу боис бевосита маҳаллаларда, меҳнат коллективларида учрашувлар ўтказилиб, аҳолининг фикри, медицина хизматини яхшилаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалари ўрганилди. Муассасалар ва участка врачларининг иш тартиби шунга асосланиб ташкил этилди.

Учинчидан, медицина хизматини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш ва хизматнинг янги турларини ташкил этиш сари дадил йўл тутилди. 1-шаҳар клиник касалхонаси ва 14-поликлиникада кундузги стационар бўлими, 21-поликлиникада эса психотерапия кабинети очилди. Касалхона ва поликлиника мутахассисларини алмашлаб ишлатишнинг икки босқичли методи жорий қилинди. Масалан, бирлашма медицина кенгаши 40 нафар тажрибали мутахассисни уч ой муддатга участка врачи бўлиб ишлашга юборди, улар ўрнига эса айнан участка терапевтлари ишга олинди. Даволаш-профилактика бирлашмасининг ўз низоми, иш плани мавжуд. Медицина кенгашининг таркиби, бош мутахассислар белгиланган. Янги бирлашма туфайли медицина соҳасидаги 18 та бошқарув лавозими қисқартирилиб, анча маблағ тежалди. Иш ҳақи фондидан тежаб қолинган маблағлар ҳисобидан медицина ходимларига 40—50 сўмдан мукофот берилмоқда. Ҳозир даволаш-профилактика бирлашмасининг Октябрь район уйжой социал банкидаги махсус ҳисобида 250 минг сўмдан ортиқ маблағи бор.

Бироқ шунча хайрли ишлар қилингани билан айрим даволаш-профилактика муассасаларида медицина ходимларининг қўполлиги, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши каби фактлар ҳамон учраб турибди. Масалан, райком пленумидан сўнг кўп ўтмай райижроком раиси Ҳ. Усмонова билан бирлашма ҳақида суҳбатлашганимизда қизи бошидан кечган ташвишли воқеани қуюниб гапириб берди. 1-шаҳар клиник касалхонаси туғуруқхонасида унинг 18 яшар қизини қўзи ёриши олдидан бир неча соат мобайнида мутлақо қаровсиз қолдиришган. Зудлик билан кўрсатиладиган ёрдам кечиккани сабабли чақалоқни жарроҳлик йўли билан олишга тўғри келган.

Тўғри, шу воқеадан кейин кўп ўтмай бирлашма раҳбарияти туғуруқхонанинг бўлим мудирини ўзгартирди, айбдорлар ҳам тегишли жазосини олдилар, албатта. Бироқ чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, бундай воқеалар айрим шифокорларимиз онгида, иш фаолиятида ҳали ўзгариш бўлмаганидан далолат беради. Бу халққа сидқидилдан хизмат қилаётган шифокорлар шаънига доғдир...

Эксперимент тарзида ташкил этилган даволаш-профилактика бирлашмаси соғлиқни сақлашдаги ана шундай нохуш ҳолларни бартараф этишга асосий эътиборни қаратмоғи лозим. Турмушимизнинг барча жабҳаларида кечаётган қайта қуришга хос янгича шакл ва услубларни ахтариб топиш ва қўллаш, ишда ҳамиша ижодий изланиш, бу йўлда хато қилиб қўйишдан чўчимаслик фақат фойда беради. Зеро, ҳозир соғлиқни сақлаш соҳасида муаммолар кўп. Уларни жойларда имкони борича ўзимиз ҳал қилишимиз керак. Марказдан алоҳида ёрдамни кутиб ўтиришимиз ножоиздир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, маҳаллий партия, совет ташкилотлари мазкур тажрибани пухта ўрганиб, уни кенгроқ ёйишлари фойдадан холи эмас. Эҳтимол, республикамизнинг баъзи бир область марказлари, йирик шаҳарларида ҳам шундай экспериментни йўлга қўйиш мумкиндир. Тошкент шаҳрида эса шароитлари Октябрь районидаги билан деярли бир хил бўлган Собир Раҳимов районида шундай бирлашмани ташкил этиш имконияти бор, деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, жойларда маҳаллий хусуснятларни ҳисобга олиб, ана шундай даволаш-профилактика бирлашмалари ташкил этиш билан соғлиқни сақлашга маблағлар ажратишни қўпайтириш, моддий базани сезиларли даражада яхшилаш, қоларверса, медицина раҳбар кадрларини янгилаш ва бу билан маъмурий-буйруқбозлик усулларидан қутулиш мумкин.

...Ҳозирча тажриба давом этаётир.

О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

• *Бойқўнғир — Звёздний:*

ФАЗОГИРЛАР ЎЗ «УЙИ»ДА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАХСУС МУХБИРИ НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ ХАБАР БЕРАДИ

«Союз ТМ—8» космик транспорт кемаси «МИР»,— «Кванс» — «Прогресс» орбитал комплекси билан туташди.

Бойқўнғир, 6 сентябрь. «Союз ТМ—8» космик кемасининг муваффақиятли парвозидан сўнг бу ерга таклиф этилган чет эл, марказий ва иттифоқдош республикаларнинг барча қалам соҳиблари кечга яқин юқ транспорти самолёти билан космодромдан тўғри Звёздний — «Юлдузкент»га учишди.

7 сентябрь куни тонг билан Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказига келишди. Шаҳарчанинг чоғроқ қисмини эгаллаб турган ўндан зиёд каттакатта ва айни пайтда «антиқа» услубда қад ростлаган бинолар ансамбли космос баҳодирларининг ўқув марказидир.

Бош бинонинг дастлабки зали. Киришингиз билан ҳар гал «Космос», «Космонавт» деган сўзларни эшитибми, кўрибми беихтиёр кўз олдингизга келувчи уст бош — скафандарга нигоҳ ташлайсиз.

— Скафандр сиз ўйлаган оддий либос эмас, — изоҳ берди марказ масъул ходимларидан бири. — У алоҳида тўқималардан, махсус материаллардан, қоларверса анча сирли бирикмалардан тикилган пишиқ кийим. Уни ҳам космонавт то орбитага кўтарилгунга ва кема ичидан очиқ космосга чиққунга қадар кияди холос. Очиқ осмонда у бошқа махсус скафандрга тушади. Ўйлаб кўринг, оддий скафандр орбитада 110 даражадан ҳам ошиқроқ иссиқ ёки совуққа бардош бера оладими? Йўқ! Шунинг учун махсус скафандрда электр энергияси билан иситиб турувчи иситқич пружиналар ўрнатилган. Олд томонларига эса алоҳида металлдан ишланган совут солинган. Юз-кўзлар устини оддий скафандрдагидек бир эмас, икки қават ойна қоплаб туради. Космонавт очиққа чиққан муҳитнинг бир неча дақиқасидаёқ сув-сув бўлиб кўзга тушади ва шу муддатнинг ўзида 6—10 кг вазн йўқотади. Чунки у вазнсизлик ҳолатида турибди ахир. Танадаги, скафандр ичидаги кислород сиқилиб, космонавт терлай бошлайди. Агар шу пайт скафандрда айтайлик ақалли игнанинг учидек тешик бўлса борми, организм ҳавода шундай портлаб кетадики, тирик танадан ҳатто кул ҳам қолмайди...

Шу ўринда сиз бу қадар мураккаб скафандр ичида космонавт ҳаводан қандай эркин ҳаракат қилиши мумкин, деб сўрарсиз. Бунинг йўли бор. Скафандр қўлтиқлари остига шариклик подшипниклар ўрнатилган. Уларнинг ёрдамида космонавт қўлларини бемалол ҳаракатга келтиради. Ҳатто орқа елкаларини ҳам қаший олади...

Марказий фуго (машқ майдони) ҳар бир космонавт синовдан ўтувчи энг асосий залларнинг бири. Бундаги жараёнларни таърифлаб бериш ўта мушкул ва ўта сир ҳам. Фақат шуни айтиш мумкинки, бу ерда бўлажак космонавтлар космик тезликда «учади» «айланади», «тебранади»... юрак ва асаб ҳам жисмоний, ҳам маънавий синовдан ўтади. Организмнинг физикавий, химиявий ва анатомик ҳамда биологик ўзгаришлари кузатилади.

Навбатдаги заллардан бири — гидробиолаборатория. Бамисли тўнкариб қўйилган шиша банкани эслатувчи иншоот ичидаги иллюминаторлардан кўз ташласангиз, кўмкўк ҳаводек сув тўлқини бағрида бўлажак космонавтлар худди марказий фугодагидек тезликда сузаётганларига, шўнғиётганларга, гоҳида эса 5—6 соатлаб сув остига тушиб кетаётганларига гувоҳ бўласиз... Қайси бинога, қайси залга кирманг космоса чиқиб-тушишнинг, фазогирликнинг ҳадисини олган космонавтлар ёшларга бош-қош. Улар орасида В. А. Соловьев, В. А. Ляхов, В. П. Савиних, С. Е. Савицкая, Н. Н. Рукавишников ва бошқаларни учратасиз...

Кечаси соат (Москва вақти билан) 11.30. Учишни бошқариш маркази 1976 йилда ташкил этилган бу марказда иш кечаю кундуз давом этади. Кираверишда икки қаватли иморат бўйи мозаикада ишланган панно: бир томонда К. Э. Циолковский, бир томонда С. П. Королев. Ўртада эса космик кема кабинасидан бамисоли ниҳолдек ўсиб чиқиб келаётган Ю. А. Гагарин тасвири туширилган. Ҳайратланарли рамзий маъно касб этиб турибди.

«Яшил зал» (шундай ном билан аталувчи матбуот маркази)да бўлган қисқа та, нишувдан кейин бошқарув пультларига (улар иккита) ўтилди. Пультларнинг ахборот залига ўрнатилган юзга яқин телевизор, телестенд, телеметрик электрон-ҳисоблаш машиналари ёнида юзлаб тадқиқотчилар ўз ишлари билан банд. Космосдан келаётган сигналлар, овозлар, ҳаракатлар, ўзгаришлар — ҳаммаси ҳисобда.

Ана, жаҳон электрон харитаси. «Союз ТМ—8» «Мир» комплексига яқинлашиб борянти. Евпатория устидан ўтиб, Жуссалига яқинлашди... Колпакова ортда қолди. Улан-Удэ... Петропавловск...

Соат 00. 8 сентябрь. 1, 2...7...10...00.10 экипаж орбитанинг 32—милида радио алоқага чиқди: «Ишлар соз кетмоқда».

00.30.25. «Союз ТМ—8» «Мир» орбитал комплексига узоқдан икки импульсли яқинлашиш маневри берди. 00.41. дисплей режимидаги телевизион ахборот. 01.45 33 милда радио алоқа.

Телерадио овозлари бир зум пасайди. Кема Ернинг соя тушиб турган томони ва радио сигнал овози пасайиб кетувчи зона — Америка қитъаси қиргоқларига яқинлашди. Бу узоққа бормади. У ерда сув устида турган радио ахборот маркази — АСК (академик Сергей Королев номли) пароходи овоз бера бошлади... Жанубий Америкада КГД... Африкада КПБ. Австралияда КМН...

...«Союз ТМ-8» яна Евпатория атрофида. Олдинда кўк нуқта— ракета, орқада сариқ нуқта—станция бир ёнма — бир ўчиб борянти. Ана, «Мир» Жуссали устида 03.04 оралиқ 400 метр... телевизион алоқа... Ердан команда: секинроқ... пастроқ; баландроқ. чайқалиш... 02.25 — кема «Мир» комплексига секин тегиниб кетди. 02.25.10 тегди... 15 секунд. 20, 25, 27 секунд: туташди!

Экранда А. Серебров, А. Викторенко: ҳаммаси соз. Уйга етиб келдик...

05.25 станция бортида телевизион алоқа: энди навбат комплексга ўтиш йўли люкини очиш.

* * *

Шу куни журналистлар Юлдузкентдаги навбатдаги манзилларига — Космомикробиология институтига ҳам бордилар. Бу ҳақда кейинги мақолада ҳикоя қиламиз.



ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

Шўртангазнинг тозаловчи 4-блокида ишлар лойиҳа қувватларн даражасига кўтарилди. Бунинг натижасида табиий газ, газ конденсати ва нефть ишлаб чиқаришни сезиларли ўсишига имконият туғилди. Йиллик планга қўшимча 1 миллион 997 минг сўмлик маҳсулот етказиб беришга эришилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, фойдаланишга топширилган аввалги уч блокни лойиҳада белгиланган қуввати билан ишлашига эришилганича йўқ эди. 4-блокни қуриш ва монтаж қилиш мобайнида бошқа блоклар технологиясидаги камчиликларга ҳам барҳам берилди. Натижа кутилгандек бўлди. Ишлар юксак суръатлар билан давом эттирилмоқда. Оғир иш жараёнлари автоматлар зиммасига юкланиб, шоҳобчалар ва агрегатлар такомиллаштирилгани меҳнат самарадорлигининг ошишига ёрдам берди.

Суратларда: 1. 4-блокнинг умумий кўриниши. Смена бошлиғи Р. Расулов объектни кўздан кечирмоқда. 2. Ф. Аҳмаджонов иш жараёни ҳақида маълумотлар олмоқда.

Р. НУРИДДИНОВ суратлари (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Янгича ишлаш самараси

● Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси икки йилдан буён тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган корхоналардан бири. Қисқа вақт ичида корхона иқтисодий жиҳатдан анча юксалди.

— Пировард натижани кўзлаб ишлашимиз яхши бўляпти, — дейди тикувчи Шоира Аҳмедова. — Бирлашманинг даромади, бизнинг эса иш ҳақимиз кўпайиб бораяпти.

Коллективда бригадалараро социалистик мусобақа йўлга қўйилган. З. Алимова, Ш. Аҳмедова ва Р. Қўчқорова етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари меҳнат беллашувида ғолиблик қилишяпти.

Бирлашма коллективи йил бошидан буён 26 миллион 595 минг ўрнига 27 миллион 781 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. «Янгилик» белгиси билан плондан ташқари 5 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Ш. КЕЛДИЕВ

1991 йил ҳисобига

● Қўқондаги 10-автобус-таксомотор парки коллективи шу йилнинг 8 ойлик планини 110,3 фоиз бажарди. Яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38200 сўмлик кўп иш бажарилди.

— Шоферларимизнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги туфайли ютуқларимиз салмоқли бўляпти, — дейди автопарк директори Н. Мўйдинов. — Улар аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишга астойдил ҳаракат қилишяпти.

Дарҳақиқат Турсунбой Эргашев, Қаҳҳор Абдураззоқов, Ўлмас Мирқосимов ва Александр Бондарчук сингари тажрибали ҳайдовчилар хизматидан йўловчилар мамнун.

Айни кунларда бу илғорлар 1991 йилнинг биринчи квартали ҳисобига меҳнат қилишаётир.

У. МУҲАМЕДОВ
Фарғона области.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Охунбобоев шаҳрида яшовчи А. Мирзаевнинг ариза-си кўриб чиқилди. Худди шундай мазмундаги хат район партия комитетига, область ички ишлар бошқармасига ҳам тушган.

Район партия комитети комиссиясининг аниқлашича, ҳақиқатан ҳам 22 май куни кечқурун Жалолқудуқ район Совети ижроия комитети раиси ўринбосари А. Сулаймонов, район милия бўлими мудири М. Аҳмедов, район халқ контроли комитети раиси Н. Исломов ҳеч қандай қонунга асосланмаган ҳолда А. Мирзаев уйига кириб боришган. Уй эгасини шахсий машиналарни ноқонуний ремонт қилишда, порнографик мазмундаги видеофильмларни намойиш этишда айблаб, уни ҳақорат қилишган. Шундан сўнг улар ўртасида жанжал чиққан. Мирзаев телефонда милиция ходимларини чақирган. Ҳодиса юз берган жойга етиб келган милиция ходимлари жанжалнинг айбдорлари раҳбарлар эканлигини кўришгач, район ички ишлар бўлими оператив навбатчисига қандай ҳаракат қилиш кераклигини хабар қилишган. У ерга воқеадан хабар топиш учун жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўлими катта инспектори, милиция майори М. Мамадалиев етиб келган. Бироқ у етиб келгунга қадар милиция ходимлари томонларни хотиржам қилиб, ҳеч қандай маъмурий-процессуал ҳужжатлар тузмай А. Сулаймонов, М. Аҳмедов, Н. Исломовларни уйларига жўнатиб юборганлар. Ўша жойнинг ўзига етиб келган катта инспектор М. Мамадалиев ҳам керакли ҳужжатлар тузишни ташкил этмаган. Район партия комитети комиссияси А. Сулаймонов, М. Аҳмедов, Н. Исломовлар нотўғри хатти-ҳаракатлар қилишган, деган хулосага келишди.

Мазкур масала район Совети ижроия комитетининг бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинди ва коммунистлардан А. Сулаймонов, М. Аҳмедовга қаттиқ виговор, Н. Исломовга виговор эълон қилинди.

Район партия комитети бюроси текшириш натижаларини аризачи иштирокида ўз мажлисида кўриб чиқди. Ариза область ички ишлар бошқармаси томонидан текширилаётганлиги сабабли бошланғич партия ташкилотининг А. Сулаймонов, М. Аҳмедов, Н. Исломовларни жазолаш ҳақидаги қарорини қуқуқни муҳофаза қилиш органлари қонуний тарзда ҳал этгунга қадар тасдиқлаш билан чекланилди.

Область ички ишлар бошқармаси Мирзаев хатини текшириб шуни маълум қиладики, аризачининг эътирозлари асосан тасдиқланди. Шу муносабат билан айбдор шахсларга нисбатан тўпланган тегишли материаллар кўриб чиқиш учун халқ судига юборилди. Бундан ташқари Жалолқудуқ район ички ишлар бўлими ходимларининг қонунни бузганликлари тўғрисидаги масала чора кўриш учун бошқарма маъмуриятининг оператив кенгашида муҳокама қилинди.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Бугунги кунда республикамизнинг маккажўхоризорларида иш қизғин. Зарур чорва озуқаси ҳисобланган экин ўрими Сирдарё область Зомин районидаги И. Қурбонов номли совхозда тезкорлик билан олиб борилянти. Коллектив ғалла етиштириш йиллик планини муддатидан илгари бажарганди. Давлатга 391 тонна сифатли дон етказиб берилди. Эндиги навбат—маккажўхорига. Миришкорлар 200 гектар майдонга экилган маккажўхорининг хар гектаридан пландаги 42 центнер ўрнига 55 центнердан дон, 250 центнердан кўкпоя йиғиштириб олишмоқда. Илғорларнинг нияти—жами майдонлардаги маккажўхорини сентябрнинг биринчи ярми ичида ўриб олиш.

Суратларда: 1. Илғор комбайнчи Шокир Миралиев. 2. Совхоз директори Эркин Қодиров ва звено бошлиғи Ҳамид Маҳмудов ҳосил чўғидан мамнун. 3. Ўрим пайти.

У. ҚУШВОҚОВ суратлари.

Борис Григорьевич МИРЗАБЕКОВ

Партия ва меҳнат ветерани, Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер Борис Григорьевич Мирзабеков узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1989 йил 6 сентябрь куни 75 ёшида вафот этди.

Б. Г. Мирзабеков 1915 йил 1 май куни Қўқон шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1932 йилда касаба союз органларида бошлади, сўнгра комсомолда ишлади. 1933 йилда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига кўра, у Ички ишлар халқ комиссариати органларига ишга юборилган эди. 1938 йили армия хизматидан қайтиб келганидан кейин Фарғона область комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. 1939 йилнинг май ойида у КПСС аъзоси бўлди. Ўша йилиёқ Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлигига кўтарилди. 1942 йилдан бошлаб Б. Г. Мирзабеков

партиявий ишда хизмат қилди: Андижон область партия комитетининг секретари, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети секретарининг ўринбосари, ёнилғи саноати бўлимининг мудири, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари, кейинчалик Наманган область партия комитетининг иккинчи секретари бўлди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабида ўқиб келганидан кейин Б. Г. Мирзабеков республиканинг партия ва совет аппаратларида бир қанча масъул лавозимларни эгаллади, бинокорлик материаллари саноати министри бўлди ва Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари лавозимидан пенсияга чиқди.

Борис Григорьевич Мирзабеков республика экономикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Катта Фарғона канали, нефть химияси объектлари, Фарғона ГЭСи, Андижон сув омбори Мирзабеков шонли ҳаёт йўлининг довонларидир. Партия Б. Г. Мирзабековни қаерга юбормасин, ҳамма ерда у ажойиб ташкилотчилик қобилиятини, ишга садоқатини, фаол гражданлик позициясини, партиявий принципиалликни намоён этди, одамларга ғамхўр ва меҳрибон бўлди. 30 йил мобайнида у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланди.

Партия ва ҳукумат Б. Г. Мирзабековнинг меҳнат фаолиятига юксак баҳо берди. У Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, медаллар билан мукофотланди, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган курувчи» фахрий унвони берилган эди.

Ватан ва партиянинг содиқ фарзанди Борис Григорьевич Мирзабековнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. А. Каримов, А. С. Ефимов, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, М. И. Иброҳимов, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, Ж. Ҳамидов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, М. М. Орифжонов, Б. А. Алламуродов, Р. И. Брунау, Р. Ғ. Ғуломов, Б. Қурбонбоев, А. Н. Носиров, Б. С. Ҳамидов, Д. С. Ёдгоров.

• АХЛОҚ МАВЗУИДА

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ— ҲАММАНИНГ ИШИ

КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. П. Никонов ҳамда Марказий министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида барча область ва республика марказларининг, шунингдек мамлакатдаги бошқа бир қанча йирик шаҳарларнинг партия, совет ва хўжалик органлари аҳолининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш юзасидан партия ва ҳукумат қарорларини қандай бажараётганликлари кўриб чиқилди.

Шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, шаҳар ижроия комитетларининг, областлар, ўлкалар ва республикалар агросаноат комитетларининг раислари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида ахборот бердилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, қайта ишлаш, асраш ва аҳолига сотиш қандай аҳволда эканлиги партиявий талабчанлик нуқтаи назаридан муфассал муҳокама қилинди.

Партия комитетлари ўтказаётган сиёсий ва ташкилотчилик иши таҳлил этилганида шу нарса маълум бўлдики, агросаноат комплексининг долзарб муаммоларини ҳал этишга қишлоқ меҳнатчилари билан бир қаторда шаҳарларнинг саноат ва илм-фан имкониятлари ҳам ишга солинмоқда, муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Харьков, Белгород, Минск, Орёл, Калуга, Целиноград, Воронеж, Брест, Витебск, Пенза, Саратов ва бошқа бир қанча шаҳарларда қимматли тажриба орттирилди. Бу жойларда агросаноат комплексини ривожлантиришга саноатнинг имкониятларини жалб қилиш билан бирга озиқ-овқат етиштириш ва ишлаб чиқаришда шаҳар билан қишлоқ бирлашувининг бутун бир системаси вужудга келмоқда.

Бир қанча жойларда саноат марказлари теварагида, ўзига хос аграр минтақа бўлмиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб сотадиган ихтисослаштирилган зоналар вужудга келтирилмоқда, бу зоналарга колхозлар, совхозлар, ижарачи кооперативлар, деҳқонларнинг хўжаликлари, маҳсулот сақланадиган базалар, озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда районлари киритилмоқда, Шаҳар атрофидаги зоналарнинг шу комплексларини ривожлантиришга бошқа манбалар билан бир қаторда саноат корхоналарининг маблағлари ва моддий-техникавий ресурслари ҳам жалб қилинмоқда.

Агросаноат тузилмалари — агрокомбинатлар, агрофирмалар тузиш иши давом эттирилаётганлиги маҳсулот нобудгарчилигини камайтиришга ва уни етиштиришни ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга имкон бермоқда. Натижада бу жойларда етиштириб олинаётган ялпи маҳсулот мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан олти процент, маҳсулот етиштиришнинг жами рентабеллиги саккиз процент, меҳнат унумдорлиги эса 30 процент юқори бўлмоқда.

Саноат корхоналарининг колхоз ва совхозлар билан бевосита узоқ муддатли ўзаро манфаатли шартнома муносабатлари тажрибаси ёйилиб бормоқда, бу соҳада корхоналар кооперация асосида хўжаликларни ривожлантиришга маблағ ва ресурс сарфламоқдалар, дала ва фермалардан қўшимча равишда олинган маҳсулот эса меҳнат коллективларини озиқ-овқат билан таъминлаш учун юборилмоқда.

Кўпгина регионларда боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантиришда дуруст силжиш рўй бермоқда. Саноат корхоналарининг янги ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини барпо этиш ва ишлаб турган мана шундай хўжаликларни кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Айни вақтда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кўпгина партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари, агросаноат органлари, КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг аграр масалага оид қарори бажарилишини ташкил этишда сусткашлик қилмоқдалар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги интеграция жараёнларини ривожлантиришга ҳамиша ҳам кўмаклашмаяптилар, озиқ-овқат ва қайта ишлаш тармоқларига, қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлаш базасига ажратилган капитал маблағларнинг қандай ўзлаштирилаётганини дуруст назорат қилмаяптилар. Ашхобод, Боку, Гроднода озиқ-овқат таъминотини яхшилаш комплекс программаларини амалга оширишга эндигина киришмоқдалар.

Шу пайтга қадар кўпгина шаҳарларда сабзавот ва картошка омборлари билан таъминлаш даражаси паст, қишки теплицалар оз, озиқ-овқат корхоналарининг қувватлари заиф, савдо майдончалари етишмаяпти. Аҳволни тузатиб олиш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти, афсуски, тайёрга айёрлик кайфияти аввалгидек давом этиб келяпти, Архангельск, Барнаул, Горький, Калининград, Ярославль, Кустанайда теплица хўжалигини кенгайтириш суръатлари паст.

Бир қанча шаҳар партия комитетлари, шаҳар ижроия комитетлари саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг қишлоқ эҳтиёжларига муносабатни лозим даражада ўзгартира олганлари йўқ. Озиқ-овқат объектларидаги қурилиш, монтаж ишлари плани ўз вақтида бажарилмаяпти. Саноат объектларини қуриш билан шуғулланувчи қурдатли ташкилотлар қишлоқдаги қурилишга дуруст жалб этилмаган. Улар Усть—Каменогорск, Темиртов, Сумм, Ровнода агросаноат комплекси учун белгиланган иш ҳажмининг бор-йўғи 3—4 процентга миқдорида қурилиш-монтаж ишларини бажариб келмоқдалар. Машинасозлик корхоналарининг коллективлари агросаноат комплекси учун кўп турдаги машина ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш учун давлат буюртмаларини ва шартномавий мажбуриятларни бажармаяптилар. СССР Металлургия министрлиги, СССР Авиация саноати министрлиги, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги қишлоқ меҳнатчиларидан катта қарздор бўлиб қолмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетида партия комитетлари билан совет органларининг диққат-эътибори ҳозир жуда зарур бўлган озиқ-овқат муаммосига нисбатан лоқайдлик назари билан қаралишига йўл қўйиб бўлмаслигига, белгиланган тадбирлар билан амалдаги ишлар ўртасида катта фарқ борлигига жалб этилди. Мана шу энг муҳим соҳадаги ташкилотчилик ишини анча кучайтириш, ажратилаётган маблағларни ўзлаштириш, шунингдек, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун шаҳарларнинг ҳиссасини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш таклиф этилди.

Масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети аграр бўлими мудирининг ўринбосарлари І. С. Огризкин, Г. Г. Серегин, СССР Министрлар Совети озиқ-овқат ва харид давлат комиссияларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ходимлари қатнашдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЛИВИЯГА ТАШРИФИ

ТРИПОЛИ, 7 сентябрь. (ТАСС). Умумхалқ конгресси ҳамда араб халқлари билан бирдамлик халқаро секретариатининг таклифига мувофиқ Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик совет комитетининг делегацияси Ливия Социалистик Араб Халқ Жамаҳириясига ташриф қилиб, Ливия революциясининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашди. Делегацияга Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик совет комитети раисининг ўринбосари С. О. Азимов бошчилик қилди.

Ливия Социалистик Араб Халқ Жамаҳириясининг ташқи алоқалар ва халқаро ҳамкорлик халқ бюросида делегация ана шу маҳкамаининг бош секретари Муҳаммад Ҳусни Шаабан билан учрашди. Суҳбат чоғида Совет—Ливия муносабатларининг турли жиҳатлари кўриб чиқилди. Ливия томони Тошкент шаҳрида жамаҳириянинг бош консулхонаси очилганидан мамнуният изҳор қилди ва Совет Ўрта Осиё республикалари билан ҳамкорлик қилишга, улар билан бевосита иқтисодий алоқалар ўрнатиб, қўшма корхоналар барпо этишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Халқаро бирдамлик секретариатининг араб жамоатчилиги кенг доираларининг намояндалари қатнашган махсус мажлисида СССРдаги қайта қуриш, Совет—Араб муносабатларининг келажаги, Совет Иттифоқидаги аҳволга доир масалалар муҳокама қилинди. Тинчлик ва бирдамлик Ливия комитети раҳбарлари билан учрашув ва суҳбатлар ҳам бўлди, бу учрашув ва суҳбатлар чоғида икки томонлама ҳамкорлик ва уни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ленин таълимоти ва қайта қуриш

«Ленининнинг ғоявий-назарий мероси ва қайта қуриш» номли ўқув қўлланмаси босилиб чиқди.

Қўлланмада Ленининг социализм концепцияси мазмуни ва бу концепциянинг совет жамиятини революцион янгилашдаги, ҳозирги қайта қуриш тажрибасидаги аҳамияти тасвирланган.

Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган бу қўлланма сиёсий ўқиш системасининг тингловчиларига аталган.

(ТАСС).

КУЧ-ҲАМЖИҲАТЛИКДА

ЭЗГУ НИЯТЛАР МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИ

«Бирлик» деб аталмиш норасмий ташкилот раҳбарларининг ойнаи жаҳонда махсус кўрсатув билан чиқишларини кўрдим. Очиғи, яқин-яқинларгача бу ташкилот адресига бўлар-бўлмас гаплар айтиб юрилярди. «Бирлик» программаси ҳақида аниқ, тўла-тўкис тасаввурга ҳам эга эмас эдим. Кўрсатув давомида бир қаламкаш сифатида шундай хулосага келдим: «Бирлик» ташкилоти қайта қуриш тарафдори экан, унинг программаси жумҳуриятимиз партия ташкилоти ва ҳукуматининг ишига, ниятига ҳамоҳанг экан. Зеро, халқимиз ҳаётини фаровон этишга интилиш, халқнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётдаги ҳар хил иллатларни йўқотиш, бюрократик тўсиқларни синдириш партия ва ҳукуматимизнинг ҳам нияти-ку.

Оқилжон ҲУСАНОВ,
ёзувчи.

«Бирлик» норасмий уюшмаси нега вужудга келганлиги ҳақида кўп ўйлайман. Унинг программаси ва устави партиямизнинг қарорларига сира зид эмас. Аксинча, республикамиз иқтисодини, турмуш даражасини янада кўтариш, атроф-муҳитни муҳофаза этишни яхшилашга кенг ўрин берилган.

Халқимиз турмуш даражасини тинимсиз кўтариш ҳақида ўйлаётган республикамиз партия ташкилоти «Бирлик»нинг фаол аъзолари билан ҳамкорлик қилаётгани, қўлни-қўлга бериб, бамаслаҳат ишлашга чорлаётганини қўллаб-қувватлайман.

Ҳамкорликдаги иш, албатта, янги-янги изланиш, муваффақият сари элтади.

С. ТЎЛАНОВ,
Андижон область, Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхози.

ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН...

Сирдарё область Бахт посёлкасида истиқомат қилувчи Қаҳрамон она Зулфия Ҳасанованинг редакцияга ёзган хатидан:

«Ҳурматли редакция! Қизим Флорани яхши ниятлар билан Сирдарё Давлат педагогика институтига ўқишга қўйдим. 1985-86 ўқув йилларида қизимиз ҳақида турли миш-мишлар эшита бошладик. Гўё факультет декани Қўчқор Абдушукуров зачёт, имтиҳонларни қўйдириб бераман, деб уни қўлга олганмиш. Бошимга тош теккандек бўлди. Қизимдан сўрасам, ёлғон, деди. Кейин билсам Абдушукуров уни қўрқитиб олган экан. Бу масала 1987 йилда институт партия комитетида кўрилди. Сўнг ректоратда муҳокама бўлди.

Қизим ўқишни тугатган йили Гулистон районида яшовчи Маҳмудовлар хонадонига келин бўлиб тушди. Домла қизимизни қудамизникида ҳам тинч қўймади. 1988 йилнинг 25 октябрида бизни институт партия комитетида Абдушукуров билан юзма-юз қилишди. Биз Абдушукуровнинг қилган ишларини партком аъзоларига рўй-рост айтдик.

Бу орада қуда томон қизимизнинг йўқолиб қолганини хабар қилди. Абдушукуров қизимни олиб кетибди. Шундай қилиб, Флоранинг турмуши бузилди.

Бокира қизимни бебахт қилган, бизни ғамга ботирган, кексайган чоғимизда эл-юрт олдида бошимизни эгиб, шармисор этган Абдушукуровга ким жазо беради?»

Флоранинг қайнонаси Хосият Маҳмудованинг редакцияга ёзган хатидан:

«Абдушукуров туфайли ўғлимнинг турмуши бузилди, ҳам қанча тўй харажати ҳавога учди. Уни коммунист деб эштитдик. Ахир, у бу муқаддас номга нолойиқ-ку! Бундай домланинг институтда сабоқ беришига чек қўйиш керак!»

Флоранинг қайнотаси Абдулла Маҳмудовнинг редакцияга ёзган хатидан:

«Мен Крупская номли колхозда 49 йилдан буён механизатор бўлиб ишлайман. Еттита фарзандга отаман. Оиламда шу пайтга қадар олий маълумотли киши йўқ эди. Учинчи келиним олий маълумотли эканидан қувонган эдим. Лекин қувонч кўпга бормади.

Колхоздан ер олиб, оилавий пудрат асосида йил — ўн икки ой меҳнат қилдик. Дам олишни, курорт ва санаторийни билмадик. Яхши ниятлар билан тўй қилдик. Лекин...

Совет матбуоти ходимларига мурожаат қилишимдан мақсад шуки, бу шармандагарчиликни яхшилаб текширинглар. Токи Абдушукуровга ўхшаш кишилар орамизда бўлмасин!»

Флоранинг отаси, Улуғ Ватан уруши ветерани, КПСС аъзоси Жумабек Ҳасановнинг Сирдарё область партия комитетига ёзган хатидан:

«Бепарволигим туфайли қизимнинг тақдири ва ҳаётига доғ тушди. Доцент Қўчқор Абдушукуров унинг ҳаётини издан чиқарди. У қишлоғимизга келиб қизим Ферузага учрайди ва унга: «Синглингизни куёвдан ажратиб олинглар, мен уни севаман, яхшилик билан келишайлик, мен унга ўтказиб қўйганман, кийим-кечаклар олиб берганман, уни бахтли қиламан», — дейди. У бу ғапларни Гулистон шаҳрида яшовчи ўғлим Бахтиёрга ҳам айтади. Менинг софдил болаларим ундан бу йўлдан қайтишни, сингиллари Флоранинг турмушини бузмаслигини илтимос қилишади.

Биз қудалар билан маслаҳатлашиб, институт маъмуриятига ариза билан мурожаат қилдик. Бу ҳақда Гулистон шаҳар прокуратурасидагиларни ҳам огоҳлантирдик. Лекин энди кеч эди. Абдушукуров қизимнинг турмушини заҳарлагани етмаганидек, уни яшириб қўйди. Биз уч ой мобайнида қизимизни тинимсиз изладик. Милицияга мурожаат қилдик. Абдушукуров эса: «Менинг устимдан институт маъмуриятига ва обкомга қилган шикоятларингизни қайтариб олсанглар, қизингиз уйга қайтади», — деб дардимизни янгилаб юрди. Коммунист Абдушукуровга чора кўришларингизни сўрайман».

Флоранинг 1988 йил 20 октябрда институт маъмуриятига ёзган тушунтириш хатидан:

«Мен, Ҳасанова Флора, шу ҳақда ёзаманки, СДПИ тил ва адабиёти факультети декани Абдушукуров устидан. Мен шу йил шу факультетни битирдим. Ўқиб юрган пайтларим бир-иккита фанлардан баҳо қўйдириб бераман деган эди. Лекин мен унинг қора ниятларини билиб қолдим ва ўз кучим билан баҳоларни олганман. Кейин турмушга чиқдим. Тўйимизга ҳам келибди мени тинч қўймай. 9 октябрь куни опачамнинг олдига бориб: «Мен синглигни олиб қочиб кетаман, Флора у ерда яшайди, мен Гулистондан ишни олиб қўйганман» депти. Мен унинг бу қилган ишларига кескин чора кўришингизни сўрайман. У менинг тинчигина ҳаётимга чанг солянти, турмушимни бузмоқчи бўляпти».

Флоранинг турмуш ўртоғи Ваҳобжон Маҳмудовнинг институт партия ташкилотига ёзган аризасидан:

«18 август куни тўйимиз бўлди. Орадан бир ой ўтгач... Абдушукуровга айтинглар, оиламни тинч қўйсин. Партия ташкилотидан илтимос қиламан, масалани очиқ-ойдин очиб берсин. Ваҳоланки, бўлиб ўтган гаплар менга қоронгу...»

Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг 4-бўлимида яшовчи Ҳасанов Рашидга билдириш:

«Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими шуни маълум қиладики, сизнинг 29 ноябрь ва 19 декабрь 1988 йил синглингиз Ҳасанова Флора йўқолганлиги ҳақидаги аризангиз кўриб чиқилди. 1988 йил 5 декабрь куни синглингиз Флора Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимига келиб, ўзининг йўқолганлигини айтиб, тушунтириш хати ва тилхат ёзиб қолдирди. Шунга асосан синглингиз Флора Ҳасанованинг ариза-шикоятини ёзиб, ўз ихтиёрига берилгандигини ва ҳеч ким ўзини ҳеч ким ёки ҳеч нарсага мажбурлаганлигини ва ўзининг ихтиёрий равишда ҳеч ким билан ҳеч ерга кетмаганлигини,

Ахборот

• *Оталар ва болалар*

ЯХШИЛИК ШАРОФАТИ

Чернобилда юз берган нохуш воқеа кунлари Шерзодбек олти ёшга тўлиш арафасида эди. У, дадасидан: авария нима, болаларнинг ўйинчоқлари ҳам зарарланадими! каби саволларга жавоб топгандек бўлди. Эртасига эса ўйинчоқ машина учун дадаси берган пулни Чернобилга жўнатаман, деб туриб олди. Болакай пулни конвертга жойлаб, опаси Ферузадан адрес ёзиб беришни сўради. Феруза икки энлик хат ёзиб, почта қутисига ташлаб юборди. Мактуб Авария оқибатларини тугатиш давлат комитетига етиб борди. Кўп ўтмай, Украинада чиқадиган «Рабочая газета» саҳифасида қуйидаги хабарча босилди: «Мен ҳали ёзишни билмайман. Хатни опамга ёздирдим. Туғилган кунимга ўйинчоқ машина олиб беришмоқчи эди. Мен эса чернобиллик болалар ўйинчоқ олиб ўйнашсин, деб жўнатдим. Кейин уйимиз кенг, болалар келавериншин»... Шерзодбекнинг дил сўзлари севастополлик Улуғ Ватан уруши ветерани Иван Зайцевни ҳаяжонлантирди. У хат йўллади: «...Сенинг ҳимматинг Шерзодбек, мени тўлқинлантириб, кўп нарсаларни ёдимга солди. Фронтдош ўзбеклар билан жанг қилганмиз. Сенинг фамилияинг Йўлдошев деган ефрейтор йигитни эслатди. Бир жангдан сўнг, взводимизда уч киши тирик қолганди. Ҳолдан тойиб, окопда ётарканмиз, Йўлдошевга мурожаат қилдим: «Ўртоқ ефрейтор! Фашистлар қайта ҳужум бошламай, ўзимизникилар томонга чекинайлик» Шунда у: «Отставить!» командасини берган эди. Ефрейторнинг автоматини душманга ўқталиб турган ҳолати кўз олдимдан кетмайди. Умуман мен ўзбекларни яхши биламан. Урушда жароҳатланиб, Бекободда даволанган кезларимда меҳмондўстлик, олиҳимматлик ва хайрихоҳликни ҳис этганман». Ҳозир Зайцев билан Шаҳрихондаги Йўлдошевлар оиласи ўртасида борди-келдилар бошланиб кетган.

К. НИШОНОВ.

АСАЛАРИЧИ ЖУРНАЛИСТЛАР

Қизилтепа район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети органи «Қизил тонг» газетаси безак ва мазмун бўйича республика, шаҳар ва район кўрик-конкурсларида бир неча бор мукофотли ўринларни эгаллаб келаётган газеталардан. Редакция коллективи ўзига хос тажрибага қўл урди. Муҳаррир Р. Мақсудов таклифи билан ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Уч оила асалари сотиб олинди. Уни Пўлат Зариповнинг парвариш қилмоқда. Ҳозирга қадар хўжаликдан олинган 155 килограмм асал редакция ходимлари ва босмахона ишчиларига арзон нархда сотилди. Йил охиригача яна 170 килограмм асал етиштириш мўлжалланмоқда.

Б. МАНСУРОВ.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • • СПОРТ СПОРТ • СПОРТ



КАМОНДАН ОТИШ

Ғолиблар аниқланди

Яқинда республикамиз пойтахтида камондан отиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланди. Бу мусобақалар республикамиз кучли камончиларининг ўзига хос баҳсига айланди. Айниқса, шу ойнинг охирида Белоруссиянинг Брест шаҳрида ўтказиладиган мусобақалар олдидан бу яхши синов бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда республикамизда жаҳон, Европа миқёсида муносиб беллашадиган спортчилар етишиб чиқмади. Эндиликда спорт иншоотларида бу соҳада туб ўзгаришлар қилиш вақти етди.

Мусобақанинг ўзига келсак, у жуда қизғин ўтди. Республикамиз областларидан келган спортчилар ғалаба йўлида астойдил ҳаракат қилишди. Мусобақа якунлари чиқарилди. Қизғин курашлардан сўнг аёллар ўртасида фарғоналик Ольга Абдухайирова ғолибликни қўлга киритди. Эркаклар орасида эса тошкентлик Андрей Безноздрев ғолиблик супасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Суратда: мусобақадан бир лавҳа.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурати (ЎзТАГ).

ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ: ҒОЛИБЛИК СУПАСИГА

Тернополь шаҳрида Бутуниттифоқ касаба союзлари кўнгилли спорт жамияти чемпионати ўтказилди. Мусобақада 17 команда иштирок этди. Республикамиз эшкак эшувчилари турли масофаларда ушоқоқлик билан ҳаракат қилиб, маррада биринчи бўлишга ва мукофотли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Спортчиларимиз команда ҳисобида биринчиликни қўлга киритдилар. 500 метрга байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича баҳслашган А. Тюрин, И. Киреев, А. Коганов, Н. Лигостаева, О. Старинская экипажлари зафар қучди. Шунингдек вакилларимиз минг метрлик масофада ҳам маррада биринчи бўлиб, 2 минг метрлик масофада кумуш медалларини қўлга киритдилар.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. Учинчи группада навбатдаги саралаш учрашувлари ўтказилди. СССР терма командаси сафарда Австрия футболчилари билан майдонга тушди. Бу ўйинда дарвозалар даҳлсиз қолди. Исландия ва ГДР командалари учрашувида 0:3 ҳисоби қайд этилди. Ҳозир совет футболчилари 9 очко билан пешқадамлик қилишмоқда.

● ИККИНЧИ ЛИГА. Узбекистон зонасига кирувчи коллективлар ўртасида иккита учрашув ўтказилди. Чунончи «Копетдоғ» футболчилари Тошкент армиячиларини қабул [4:1] қилишди. «Нефтяник» коллективи «Араз» футболчилари билан ўйнаб [2:1], биринчи ўринга [41 очко] кўтарилишди, «Копетдоғ» ҳисобидаги очколар 35 тага етди.

Н—ҚИСМДАН ХАТЛАР

ҲИССА

Қизил Байроқли Тинч океаннинг чегара округида кўпгина ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ҳизмат қилишади. Оддий солдатлардан К. Раҳимов, Ҳ. Боймуродов, Н. Нормуродов, З. Жиянов, Б. Ҳайдаров, Э. Бобомуродов ўртоқлар ана шулар жумласидандир. Улар СССР Давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар, жанговар ва сиёсий тайёргарликда яхши натижаларга эришиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Яқинда К. Раҳимов ва Ҳ. Боймуродовнинг кўксини иккинчи даражали «Аълочи-чегарачи» нишони безади. Бу уларни хизматда янги муваффақиятларга чорлаяпти.

С. СОБОСОДСКИЙ.
А. ГУЛМУРОДОВ.

САДОҚАТ

Сарвармурод Собиров хизматнинг дастлабки кунларидан ўзини ташаббускор, зеҳнли, эпчил ҳарбий хизматчи сифатида кўрсатди. У қисмнинг жамоат ишларида фаол қатнашади. Спорт билан мунтазам шуғулланади. Ҳамма ишларни сифатли ва аъло бажаришга интилади ва бунинг уддасидан чиқади.

Сарвармурод айниқса халқаро аҳвол масалаларини яхши тушунади. Мамлакатимиз ичкарисидаги воқеаларнинг сабабларини ҳам чуқур таҳлил қилиб, мулоҳаза юритади. У ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам талабчан. Қисмимизда қандай ташаббус бошланган бўлса унинг байроқдорларидан бири ва иштирокчиси катта сержант Сарвармурод Собиров ҳисобланади. У командирларнинг ва сафдошларининг ишончини тўла оқламоқда.

Яқин кунларда Сарвармурод ҳизмат муддатини ўтаб бўлади. Уни Ватанимизнинг ҳақиқий ватанпарвари қилиб тарбиялаган онаси Рахбар Убайдуллаевага ва тарбиячиларига чин дилдан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Сарвармуродга келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Н. БАЙДА,
Бўлим командири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕДАКЦИЯСИГА

Отамиз Қориев Раҳим Мажидович вафот этганлиги муносабати билан бизга ҳамдардлик билдирган республика партия ва ҳукумат раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, турли граждандлар, дўстларимиз ва ўртоқларимизга газетангиз орқали миннатдорчилигимизни билдиришингизни сўраймиз.

Бернора ҚОРИЕВА.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ОСИЁ — БАНК»И ХИЗМАТИНГИЗДА!

ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН
ТОШКЕНТ ТИЖОРАТ БАНКИ
«ОСИЁ — БАНК»
ЎЗ ИШ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ УШБУ КРЕДИТ МУАССАСАСИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ:

бирлашмалар, корхоналар, ёшлар марказлари, кооперативлар ва қишлоқ ижара пудратчиларини маблағ билан таъминлаш;

корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ҳамда ижара пудратидаги ташкилотлар касса ҳисоб-китобини юритиш;

корхоналар, ташкилотлар ва кооперативларнинг халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳамда маҳаллий ресурслардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолиятларида ўзининг маблағи орқали тенг шерикчилик ҳисобида иштирок этиш;

корхоналар, ташкилотлар ва кооперативларнинг ташқи иқтисодий фаолиятларидаги ҳисоб-китоб ишларини юритиш;

корхоналар, ташкилотлар, кооперативларнинг акцияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиш, сақлаш ва муомаладаги қимматбаҳо қоғозларнинг даромадини тўлаш;

илм ва техника ёш ижодий коллективларнинг инновация фаолиятларида иштирок этиш;

гражданларнинг шахсий жамғармаларини шартнома бўйича қабул қилиш ва сақлаш;

ўзаро ҳамкорликдаги корхоналарни, акционерлар жамиятларини, қишлоқлардаги ижара пудрати хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятлари бўйича ҳисоб-китобларини юритиш бўйича тавсияномалар.

Тошкент тижорат банки «Осиё — Банк» иқтисодий ислоҳот даврида хўжалик фаолиятини такомиллаштиришингизда ва юксалтиришингизда ишончли мададкор бўлишига умид боғлайди!

Банк адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 2-квартал, 8-уй. (18, 24, 48, 51, 60, 72, 83, 91, 112-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайлар; 4, 7, 16-маршрутли таксилар билан «Универсам» бекатигача борасиз).

МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ҲАЁТИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ҲАҚИДА ШАРТНОМА ТУЗИШНИ УНУТМАНГ!

Мактаб ўқувчилари ҳаётини суғурта қилиш мактабларда 1 сентябрдан 30 ноябргача амалга оширилади. Ана шу даврда аввалги ўқув йили мобайнида ҳаёти суғурта қилинган ўқувчилар, шунингдек биринчи синф ўқувчиларигина бепул суғурта қилинган ҳисобланади.

Шартноманинг амал қилиш муддати — 1 йил.

СУҒУРТА ПУЛИ — 1000 СЎМ.
СУҒУРТА БАДАЛИ — 2 СЎМ.

Агарда фарзандингиз жабрланса давлат суғурта идораси тўлайдиган суғурта пули уни даволашда сизга мадад бўлиб хизмат қилади.

Суғурта пули тўланадиган бахтсиз ҳодисаларга жароҳатланиш, суяк синиши ёки чиқиши, куйиш, яраланиш, кана хасталиклари ёки эмлашдан кейинги бош миянинг яллиғланиши, полиомиелит, гематоген остемиелит; заҳарли ўсимликлар, кимёвий моддалар, сифатсиз маҳсулотлар, дорилар билан қаттиқ заҳарланиш, шунингдек, нотўғри медицина муолажалари натижасида боланинг у ёки бу аъзоси олиб ташланиши каби ҳодисалар киради.

Суғуртанинг ушбу тури ҳақидаги батафсил маълумотни республика Давлат суғурта муассасаларидан олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ПРАВЛЕНИЕСИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Пластмассадан халқ истеъмоли товарлари ва совға буюмлари ишлаб чиқарувчи ҳамкорликдаги
«СОВПЛАСТИТАЛ»
СОВЕТ — ИТАЛИЯ
КОРХОНАСИ
лабораториялар бўйича вакант вазифаларга
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: қуйма буюмлар тайёрлаш, пластмасса га декоратив пардоз бериш, пластмассадан фойдаланиш хоссаларини тадбиқ этиш.

Конкурсда фан докторлари, кандидатлари ва мазкур соҳа бўйича камида 10 йил илмий-ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган мутахассислар қатнаша оладилар.

Конкурс муддати — 26 сентябргача.

Ҳужжатлар бош директор номига қуйидаги адресга жўнатилсин: 700115, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 29«а»-уй.

Справкалар учун телефонлар—76-53-39, 76-83-67.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг «УЗЗООВЕТСНАБ» РЕСПУБЛИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ бирлашма бош директори ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда иштирок этишни хоҳловчилардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700146, Тошкент шаҳри, Строительний кўчаси, 1-уй. Телефонлар: — 90-42-53, 90-42-55, 90-30-33, 90-30-17.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 9 СЕНТЯБРЬ, соат 17.00 да СССР чемпионати учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Кутаиси) 1-лига командалари ўртасида ФУТБОЛ

Танаффус пайтида спортбуюм лотереяси ўйналади.

Сериялларнинг номерлари — 034000 дан 036000 гача.

ЯНГИ ҲАЁТ БОСҚИЧЛАРИ

ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

Инсоннят ҳаётида Улуғ Октябрь бошлаб берган янги давр болгар халқига ҳам озодлик олиб келди. 1944 йилнинг 9 сентябрида фақат болгар халқи ҳаётидагина эмас, балки бутун жаҳон революцион ҳаракатининг тараққиётида ҳам муҳим бўлган тарихий воқеа рўй берди. Умумхалқ қуролли қўзғолони туфайли Болгария Коммунистик партияси раҳбарлигида ва Совет Армиясининг ҳал қилувчи ёрдамида амалга оширилган социалистик революция болгар халқига Улуғ Октябрь ғояларини олиб келди. Шунинг учун ҳам болгар халқи ҳар доим ҳақли равишда Улуғ Октябрсиз бизнинг 9 сентябримиз ҳам бўлмас эди, деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан яқин ҳамкорликда, халқнинг фидокорона меҳнати туфайли республикада туб революцион ўзгартишлар амалга оширилди. Халқ хокимияти йиллари мобайнида Болгария саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган индустриал-аграр давлатга айланди. Қирқ беш йил ичида мамлакат ижтимоий маҳсулоти 10 баравар, миллий даромад ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги эса тахминан 9 марта ошди. Халқнинг турмуш даражаси ҳам ўзгарди: истеъмол фонди қарийб беш баравар, иш ҳақи эса 1956 йилдан кейин 2—3 баравар ошди. Лекин кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашди. Социализмни қуришнинг мавжуд модели ўз имкониятларини тугата бошлади. Ана шундай шароитларда партия ижтимоий ривожланишнинг барча соҳаларида сифат жиҳатдан янги ўсишга эришиш йўлини амалга ошира бошлади. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1987 йилдаги июнь пленуми мамлакатда социализм қурилишининг янги концепциясини ишлаб чиқди. 1988 йилда ўтган партиянинг миллий конференцияси амалга оширилган ишларга якун чиқарди ва қайта қуришнинг асосий муаммоларини белгилади. Болгар халқи ҳозир ана шу концепцияни амалга ошириш йўлида меҳнат қилмоқда.

Мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзига қамраб олган. Болгария диёрида рўй бераётган қайта қуриш социализмни ривожлантириш учун омманинг тарихий ижодкорлигига янги омил бахш этмоқда.

Болгар халқи бундан 45 йил муқаддам ўзи танлаган йўлдан қадам-бақадам дадил олга бормоқда.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

Жаҳондаги энг қадимий мамлакатлардан бири бўлган Корея салкам 40 йил япон мустамлакачилари асоратида бўлди. 1945 йил августида ҳалоскор Совет Армияси Кореяни мустамлакачилар ҳукмронлигидан озод этди. 1948 йил 9 сентябрида Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топгани эълон қилинди. Ўшандан буён ўтган 41 йил давомида мамлакат меҳнаткашлари Корея меҳнат партияси раҳбарлигида янги ҳаёт йўлидан шаҳдам олга борди. Қўйида халқ Кореяси эришган муваффақиятлар ҳақида рақамлар ҳикоя қилади.

● Мамлакат саноатининг барча тармоқлари иккинчи етти йиллик (1978—1984 йиллар) топшириқларини муваффақиятли бажарди. Саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 7,2 баравар ўсди.

● Шу даврда мобайнида энергетика қувватларининг ҳажми икки марта ошди, кўмир ишлаб чиқариш эса 70 миллион тоннага етди. Пўлат ишлаб чиқариш 1,9 марта ўсди, химиявий ўғитларни ишлаб чиқариш 5 миллион тоннага етди. Саноатда 17785 замонавий завод ва цехлар қурилиши тугалланди ва улар ишга тушди.

● Учинчи етти йиллик даврида (1987—1993 йиллар) Корея Меҳнат партияси VI съезди белгилаб берган халқ хўжалигини ривожлантириш программасини амалга ошириш тугалланишга кутилмоқда. Халқ Кореяси саноат ишлаб чиқариши 1,9 марта, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 1,4 марта ўсиши керак.

А. РУЗИЕВ.

ТЕЛЕҲАФТАЛИК

11 сентябрь, душанба

ЎзТВ-I. 17.00 Инсон ва табиат. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.00 Ешлик. 19.25 «Саодат» журнали. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.50 Фильм-концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Ичкуёв». Видеофильм. 3-қисм

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Алвидо» дея олмайман». Бадиий фильм. 11.05 Ҳайвонот оламида. 12.05 Ҳужжатли фильм. 12.35 Фольклор байрами. 16.05 Ҳужжатли фильм. 17.05 Болалар соати. 18.05 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 20.15 Жаҳон опера юлдузлари. 21.30 Время. 22.05 Жаҳон опера юлдузлари (давоми).

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Табиатшунослик. 10.05 Итальян тили. 10.35 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Рус тили. 11.35 Астрономия. 12.05 Бу дунёни ҳаяжонлантирмоқда. 12.20 Илмий-оммабоп фильм. 13.10 Ҳужжатли фильм. 14.00 «Алий даҳабли чегарачи ит». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Анна Павлова». Бадиий фильм. 1-серия. 18.35 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.35 Концерт. 20.00 Противогазда рақс тушиш. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Футбол шарҳи. 21.15 Концерт 21.30 Время. 22.05 «Бироқ сабабсиз». Бадиий фильм. 23.15 Тонгги почта. 23.55 Янгиликлар.

12 сентябрь, сешанба

ЎзТВ-I. 17.30 Кинопрограмма. 17.45 Янгиликлар. 18.00 Футбол. «Пахтакор» — «Котайк». 19.50 Шеърият дафтаридан. 20.00 Ахборот. 20.20 Замон ва маросимлар. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Ичкуёв». Видеофильм. 4-қисм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Қувноқ стартлар. 9.50 Рассом устахонасида. 10.15 Фильм-концерт. 11.20 «Спрут-3». Бадиий фильм, 1-серия. 12.20 Болалар соати. 13.20 Бу бўлган, бўлганди... 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.55 Концерт. 17.25 Мультфильм. 17.45 Импульс. 18.30 «Хор плюс биз». 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильм. 19.40 КПСС Платформаси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.55 Концерт. 20.30 Стаккадан сўнг. 21.30 Время. 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 «Спрут-3». Бадиий фильм, 1-серия. 23.20 Дунё воқеалари. 23.35 Музикали ярмарка.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 Француз тили. 11.35 Биология. 12.05 Янгиликлар. 13.10 Концерт-очерк. 13.35 Ҳужжатли фильм. 14.00 «Оқ тунлар». 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Анна Павлова». Бадиий фильм, 2-серия. 18.35 Шимолий Осетия АССР Давлат телевидениесининг программаси. 19.30 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.30 Время. 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 «Асосий масала». Бадиий фильм. 23.40 Чавандозлик. Жаҳон чемпионати. 00.25 Янгиликлар.

13 сентябрь, чоршанба

ЎзТВ-I. 11.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.00 Телефильм. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 «Қўлни бер, қоплон». Бадиий фильм. 17.00 Болалар учун фильм. 17.30 Ўқитувчи экрани. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Ешлик. 18.50 Ташаббус талаб қилинади. 19.20 Орол муаммолари ҳақида. 20.00 Ахборот. 20.50 Телефильм. 20.35 Музикали учрашувлар. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Қувноқлар ва зукколар».

МТ-I. 7.00 Тонгги информацион-музикали программа. 8.00 «Хор плюс биз». 8.45 «Спрут-3». Бадиий фильм, 1-серия. 9.05. Камалак. 10.10 Саёҳатчилар клуби. 11.10 Жаҳон опера юлдузлари. 16.15 Мультфильм. 16.30 Объектив. 17.00 Музикали хазина. 18.15 Болалар соати. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Телеқўприк. 21.00 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик ҳақида. 22.20 Концерт. 23.00 Футбол. Европа кубоги.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Табиатшунослик. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 Физика. 12.05 Янгиликлар. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.35 Ўтган йилларнинг севимли оҳанглари. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Анна Павлова». Бадиий фильм, 3-серия. 18.35 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.35 Концерт. 19.55 Ҳужжатли фильмлар. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ўнутманг, 21.25Концерт. 21.30Время. 22.05«Ўзундан узоқ кун». Бадиий фильм. 23.10 Хонаки симфония. 23.55 Янгиликлар.

14 сентябрь, пайшанба

ЎзТВ-I. 11.30 ЎзССР тарихи. 12.00 Телефильм. 13.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Умумий ва амалий химия бўйича. Менделеев съезди қатнашчилари 18.00 Янгиликлар. 18.15 Регби. «Звезда» — «Сибтяжмаш». 18.15 Инсон болалигидан бошланади. 19.25 Хўжасаликка барҳам берайлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Арманистон мусиқаси. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Дала меҳнаткашлари учун концерт. 23.15 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол. Европа кубоклари. 11.35 «Спрут-3». Бадиий фильм, 2-серия. 12.35 Болалар соати. 13.35 Телеқўприк. 15.05 Сиз нонни ўйда ёпасизми? 15.35 Мультфильмлар. 16.00 Ҳужжатли фильмлар. 16.45 Компьютер билан мулоқот. 17.30 Партком ва қайта қуриш. 18.00 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 Футбол. Европа кубоклари. 21.30 Время. 22.05 Актуал интервью. 22.15 «Спрут-3». Бадиий фильм, 3-серия. 23.20 Бу бўлган, бўлганди... 23.40 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Тарих. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 Адабиёт. 12.05 Янгиликлар. 13.10 Ҳужжатли фильм. 14.00 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Анна Павлова». Бадиий фильм, 5-серия. 18.40 Ритмик гимнастика. 19.10 Мамлакат театрлари намойиш этади. 21.30 Время. 22.05 «Гамлин вальс». 22.15 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. 24.00 Янгиликлар.

15 сентябрь, жума

ЎзТВ-I. 11.30 Зоология. 12.00 Болалар учун фильмлар. 12.30 «Калаванинг учи». Бадиий фильм. 17.00 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Фильм-концерт. 18.40 Яхшидан бог қолади. 19.15 Тилга эътибор. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.40 Музикали программа. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 22.55 «Ешлик».

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Инсон. Ер. Коинот. 10.05 «Спрут-3». Бадиий фильм, 2 ва 3-сериялар. 12.10 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 16.00 «Кутилаётган чавандоз». Бадиий фильм, 1- ва 2-сериялар. 18.15 «Салом, Коста-Рика». 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ералаш. 19.40 Бизнинг бурчимиз. 20.15 Сизни В. А. Чернушенко таклиф қилади. 21.30 Время. 22.05 Актуал интервью. 22.15 «Спрут-3». Бадиий фильм, 3-серия. 23.20 Бу бўлган, бўлганди... 23.40 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Табиатшунослик. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 Биология. 12.05 Янгиликлар. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.30 Фильм-концерт. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Анна Павлова». Бадиий фильм, 4-серия. 18.35 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси. 21.30 Время. 22.05 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. 24.00 Янгиликлар. 00.05 Стендга отиш. Жаҳон чемпионати.

16 сентябрь, шанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Шанба экрани. 10.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. 11.40 «Инсон ва табиат». 12.20 Қўғирчоқ фильм. 12.40 Замандас. 13.40 «Вефайз якшанба». Бадиий фильм. 14.55 Ешлик. 18.00 СССР халқ депутати П. Охунов билан учрашув. 18.35 Оламга саёҳат. 19.20 Қадрият. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.50 Қалбингга қулоқ сол. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Абдулла Орипов. «Ранжком». Телеспектакль.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Спрут-3». Бадиий фильм, 3-серия. 10.10 Уй академияси. 10.40 Умрнинг боқий бўлсин, Ер! 11.35 Социализм мамлакатларида. 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 13.05 «Девор». 13.35 «Виват, Россия!» 14.00 Аслини олганда. Латвия варианти. 15.30 Ўзбекистон ССР ки. носанъати. 16.35 Дунё воқеалари. 16.50 «Қизил дипломат». Бадиий фильм, 1- ва 2- сериялар. 18.55 Халқаро программа. 19.55 «Номаълум кишининг ҳикояси». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 «Зебо» халқ рақс ансамблининг концерти. 22.25 Аншлаг! Аншлаг! Аншлаг! 23.35 Концерт.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 «Ешлик». 10.00 «Қариндош» Бадиий фильм. 11.35 Янгиликлар. 11.40 Жаҳон студент ўйинлари. 12.20 Ҳужжатли фильм. 12.30 Урал ортидаги чексиз чўлларда. 13.35 Қисқа метражли бадиий фильмлар. 14.10 «1989 йил қўшиқлари». 14.20 «Қочиш». Телеспектакль. 16.30 Концерт. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Кўҳна Москва». 18.35 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 19.00 «Пи» белгиси билан. 20.30 Хайрли тун кичкинтойлар! 20.45 «Пи» белгиси билан. 21.30 Время. 22.05 «Пи» белгиси билан. 23.05 Концерт. 23.35 Янгиликлар.

17 сентябрь, якшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум» 10.00 Оила даврасида. 10.30 Биргаликда куйлаймиз. 10.55 Болалар учун кинокўрсатув. 11.55 Спорт программаси. 12.55 «Иқбол». 14.20 Қурилиш муаммолари. 14.00 Деҳқон ва замон. 16.05 Абдулла Орипов. «Ранжком». Телеспектакль. 17.30 Реклама. 17.55 «Гул шаҳрилин кичкинтой». 18.25 Санъат гунчалари. 18.45 Ўрмон ходимлари куни. 19.30 Сиҳат-саломатлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Олмазор». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Дунё бойлаб. 13.00 Эрталар ва саргузаштлар. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Мультфильмлар. 16.10 «Мадонна учун уй». 16.55 «Камалак». 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Ҳужжатли фильм. 19.40 «Том тога. нинг кулбаси». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 «Спрут-3». Бадиий фильм, 4-серия. 23.25 Нима? Қаерда? Қачон?

МТ-II. 8.30 Заряднга сафланинг! 8.50 Ҳужжатли фильмлар. 9.40 Ўз ўринимни топмоқчиман. 10.30 «Махфий иллиҳотлар». Бадиий фильм, 1-серия. 11.35 Акс садо: ҳафтанинг воқеалари. 11.45 «Махфий иллиҳотлар». Бадиий фильм, 2-серия. 12.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 13.30 Кино меридиан. 14.30 «Образ». 15.45 «Презентация» 17.20 Спорт ҳамма учун. 17.35 СССР ИИМ хабар қилади.17.45 Ҳужжатли фильм. 18.20 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. 20.20 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Футбол. «Динамо» — «Днепр». Танаффусда (23.30) — Бокс. Жаҳон чемпионати. 00.15 Янгиликлар.

Р. — 11940. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 208. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12